Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 37 (10.286).

1992 йил 21 февраль жума

Баҳоси 60 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Суратда: қабул вақтида. Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ И. А. КАРИМОВ ҲАЗРАТЛАРИГА

Жаноб Президент, Бирлашган Германия Ўзбекистон Республикасини мустақил деб тан олганлигини сизга маълум қилиш шарафига муяссарман. Немис халқи Ўзбекистон Республикасини Мустақил давлатлар ҳамжамиятининг аъзоси сифатида табриклайди.

Сизнинг мамлакатингиз демократиялаш жараёнида ва ҳуқуқий тарзда мустақиллик йўлига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига ва оз сонли халқлар ҳуқуқларига кафолат бермоқда.

Республика БМТ Хартиясига доир мажбуриятларни, Хельсинки Якунловчи ҳужжатини ва Париж Хартиясини тан олмоқда. Низоли масалалар бундан буён куч ишлатиш билан ҳал қилинмайди, деган энг асосий қоида ҳам шу жумлага киради.

Бирлашган Германия Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга, бу ҳақда музокаралар бошлашга тайёр.

Бирлашган Германия ҳукумати Бирлашган Германия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни дўстлик ва ҳамкорлик руҳида амалга оширишга интилади.

Жаноб Президент, Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг халқларига немис халқи номидан ва шахсан ўз номимдан бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман.

Жаноб Президент, самимий ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Бирлашган Германия Президенти

Рихард фон ВАЙЦЗЕККЕР.

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот шўъбасининг

БАЁНОТИ

Сўнгги вақтда Россиянинг бир қанча оммавий ахборот воситаларида республикада юз бераётган жараёнлар хусусида аслида жамоатчиликни чалғитувчи материаллар тез-тез пайдо бўлаётганига Ўзбекистонда эътиборни қаратмасликлари мумкин эмасди. Баъзи нашрларда ҳеч қандай жиддий асос бўлмагани ҳолда рус тилида гаплашувчи аҳоли ҳуқуқларининг камситилиш хавфи кучайиб бораётганлиги муносабати билан уларнинг Ўзбекистондан гўёки кетиб қолиши мумкинлиги тўғрисида материаллар берилиб, вазият кескинлаштирилмоқда. Телевидениеда оддий жиноят фактидан фойдаланиб, бошқача фикрловчилар қатағон этилмоқда ва улардан ўч олинмоқда, деб жар солиняпти. Яқинда телевидениенинг биринчи канали орқали Бухоро қумларида тиканли сим ортида азоб чекаётган қандайдир афсонавий америкалик ҳарбий асирлар тўғрисида гапирилди. Қўш вақтдан буён Ўрта Осиёдан гўё Исломнинг тарқатилиши мавзусидан зўр бериб фойдаланилмоқда.

Россия Телерадиокомпанияси программаларида ва бир қанча рўзномаларда қайта-қайта такрорланаётган бундай уйдирмаларнинг манбалари ҳалолпоклиги хусусида баҳс бошламай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот шўъбаси бу уйдирмаларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, деб ҳисоблайди. Илгари Ўзбекистонни деярли тилга олмайдиган айрим рўзномалар, теле ва радио программаларнинг ўзига хос эътибори авж олган пайт АҚШ давлат котиби Ж. Бейкернинг расмий ташрифи арафасига ва таштриф кунларига тўғри келди.

Ўзбекистонда мавзу жиҳатидан хилма-хил, лекин оҳанги ва йўналиши жиҳатидан бир-бирига яқин бу хабарлар мутлақо онгли мақсадни: Ўзбекистон Республикасидаги ўзгаришларнинг демократик моҳиятини бузиб кўрсатиб, афкор оммада жаҳон ҳамжамиятининг 93 мамлакати таниган мустақил давлатнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида нотўғри тасаввурни вужудга келтиришга қаратилган деган фикр тобора кучайиб бормоқда. Туб ерли аҳоли ва кейин келиб жойлашган аҳолининг гўёки бир-бирига қарама-қарши турганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари топталаётганлиги тўғрисидаги уйдирмаларнинг, диний бирлашмалар турмушига қўполлик билан аралашишга уринишларнинг, диндорларни ҳокиниятга қарши қўйиш истагининг ифвогарлик мақсадлари аниқ-равшан, буни таъкидламай бўлмайди.

Ўзбекистоннинг фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлашга, миллати, сиёсий қарашлари ва диний эътиқодидан қатъий назар инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя этишга қаратилган йўли ўзгармай қолаверади. Бу йўлни меҳнаткашлар, республиканинг барча фуқаролари тўғри тушуниб қўллаб-қувватламоқда.

Айни вақтда муайян сиёсий кучлар манфаатини кўзлаб ўтказилаётган ёлғон хабар тарқатиш кампанияси Россиядаги айрим оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончга путур етказмоқда ва бу кампания Ўзбекистоннинг Россия билан, турмушнинг барча соҳаларида самимий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан сўзсиз манфаатдор бўлган Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга мутлақо ёрдам бермайди. Ўзбекистондаги ҳақиқий вазият тўғрисидаги фактларни бу қадар бузиб кўрсатаётган рўзномалар, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари барқарорлик ва тотувлик вазиятини ўзаро сақлаб туриш учун ўз масъулиятларини англаб олишлари лозим.

САУД АЛ-ФАЙСАЛ АС-САУД ЎЗБЕКИСТОНДА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

19 февраль куни кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазири, Шаҳзода Сауд ал-Файсал ас-Саудни қабул қилди.

Суҳбат чоғида И. А. Каримов саудиялик меҳмонни Ўзбекистондаги бугунги сиёсий ва иқтисодий вазият билан батафсил таништирди. Республикамиз,— деди жумладан Президент,— мустақиллик йўлидан дадил қадамлар ташлаяпти, бизни ер юзидаги 93 та давлат тан олди. Биз бир қатор мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатяпмиз. Яқинда Ҳиндистон, Туркия, Швейцарияга бориб келдик. Ўзбекистонга ҳам ўз навбатида қатор давлатларнинг ҳукумат делегациялари ташриф буюришди. Ўтган ҳафтада АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Тошкент ва Самарқандда бўлди. Италия, АҚШ, Швейцария, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларнинг ишбилармонлари билан дўстона ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айни пайтда Ўзбекистонда 1100 та қўшма корхона унумли фаолият кўрсатаётир.

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади И. А. Каримов, ҳозирча Саудия Арабистони билан алоқамизни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунинг эса, очиқ айтиш керак, маълум сабаблари бор: шу пайтгача сизларни бизга нуқул ёмонлаб келишарди, ўз навбатида сизларда ҳам биз ҳақимизда ёлғон-яшиқ гаплар тарқатишган. Бу — ҳар иккала давлат ўртасига низо солиш учун қилинарди, албатта. Мана энди орамизга ҳеч ким нифоқ сололмайди, энди Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида мустаҳкам биродарлик алоқалари ўрнатилади, деб ишонаман. Сизнинг ташрифингизни ана шу жаҳдаги илк қадам деб ҳисоблайман. Насиб этса, биз ҳам юртингизга бориб, халқингиз билан, сизларда амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан танишишга муяссар бўламиз.

Ҳозир республикамизда иқтисодий аҳвол оғир. Бу — ўша узоқ йиллар давомидаги қарамликнинг оқибати. Аммо танг вазиятдан қутилиш учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд: табиий бойликларимиз беҳисоб, одамларимиз меҳнаткаш. Бунинг учун вақт ва хориждаги биродарларимизнинг кўмагиям зарур. Ишонаманки, бунда Саудия Арабистони ҳам ёрдамини аямайди.

Сўнгра И. А. Каримов бир қатор соҳалар, жумладан, молия-кредит, соғлиқни сақлаш, туризм бўйича ҳамкорлик қилиш, Тошкент — Жидда ҳаво йўлини ишга тушириш ва, ниҳоят, элчихоналар очиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар! Сизларни хорижий мамлакатнинг расмий делегацияси аъзолари эмас, балки ўз қардошларимиз ва дўстларимиз деб ҳисоблайман, деди суҳбат сўнггида Республика Президенти.

Сауд ал-Файсал, аввало, Ўзбекистон Президентига Саудия Арабистони Қироли Фаҳд Ибн Абдул Азиз ас-Сауднинг самимий саломини етказди. Ҳозир сизлар туб бурилиш даврини бошдан кечираяпсизлар ва, табиийки, ушбу жараён қийинчиликларсиз бўлмайди. Аммо энг асосийси шундаки, Ўзбекистон энди мустақил. Муаммоларингизни ҳал этишда эса Саудия ҳам ҳисса қўшолса, биз ўзимизни беҳад бахтиёр ҳис этардик. Ишонаманки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкам боғланади. Ўзбекистон тез фурсатда фаровонлик тимсолига айланиб қолади.

Сауд ал-Файсал Ўзбекистон Республикаси Президентига Саудия Арабистони Қиролининг мактубини ва расмий таклифини ҳамда эсдалик совғасини топширди. И. А. Каримов ҳам меҳмонга совға ҳадя этди, ундан Фаҳд Ибн Абдул Азиз ас-Сауд ҳазрати олийларига ташаккур етказишни сўради.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, республика ташқи савдо ва хорижий алоқалар Давлат комитети раиси Ў. Т. Султонов иштирок этишди.

20 февралда саудиялик меҳмонлар Тошкент билан танишишни давом эттиришди, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлишди, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон диний бошқармасига ташриф буюришди, улар Самарқандга ҳам сафар қиладилар.

А. ЖУРАБОЕВ,
ЎзАнинг махсус мухбири.

• Миш-миш ва ҳақиқат

ЖАМҒАРМА БАНКИ ИЗОҲЛАЙДИ

1982 йилги ютуқли давлат ички заёми тиражи ўтказилиши бекор қилинганлиги сабабли юз берган шов-шувлар энди камаяди. Одамлар заём облигацияларини топширишни тўхтатадилар, чунки ваҳима қилиш учун асос йўқ. Республика жамғарма банки ходимларининг тахминлари ана шундай.

— «Жамғарма банки заём облигацияларини қайтариб олмасмиш» деган гапларни мен фуқароларнинг телефон орқали сўровларидан билдим, —дейди Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки бошқарувининг раиси Ў. Раҳматуллаев. — «Известия»

(Давоми 2-бетда).

Иш қуроли сознинг машаққати оз бўлур, деб бежиз айтишмаган. Янгийўл ноҳиясидаги А. Ортиқов номли жамоа хўжалиги созловчилари ҳам баҳорги дала ишларига қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Мав-жуд 14 та техника экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди. СУРАТЛАРДА: техникалар мавсумга шай; (ўнгда чапдан) моҳир созловчилар Маҳкам Исомов ва Ортиқали Юсуповлар иш устида.

В. ТУРАЕВ олган суратлар.

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Абдусамад НОСИРОВ** Пискент район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 19 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Пискент район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия А. Носировни Пискент район ҳокими этиб тасдиқлади. А. Носиров 1948 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Қибрай район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Акбарали ИЎЛЧИЕВ** Қибрай район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 20 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Қибрай район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия А. Йўлчиевни Қибрай район ҳокими этиб тасдиқлади. А. Йўлчиев 1954 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Бўстонлиқ район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Қодиржон ЭЛЧИБОЕВ** Бўка район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ,
1992 йил 19 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Бўка район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Қ. Элчибоевни Бўка район ҳокими этиб тасдиқлади. Қ. Элчибоев 1948 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Бўка район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Ҳамбар ЙЎЛДОШЕВ** Бўстонлиқ район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 20 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Бўстонлиқ район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Қ. Йўлдошевни Бўстонлиқ район ҳокими этиб тасдиқлади. Қ. Йўлдошев 1950 йилда туғилган, қозоқ, олий маълумотли, Халқ депутатлари Бўстонлиқ район Кенгашининг раиси ўринбосари, район ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

• Меҳр-шафқат чегара билмайди

АМЕРИКАЛИКЛАР ХОНОБОДДА

БУГУН Ўзбекистоннинг мустақиллигини жаҳондаги 90 дан зиёд мамлакат тан олди. Фақат тан олдигина эмас, уларнинг жуда кўпчилиги бугунги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишда республикага қўлларидан келганча ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўп хорижий мамлакатлар, фирмалар, ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Бу масаланинг бир томони. Шу кунларда Тошкент тайёрагоҳига хориждан озиқ-овқат ва дори-дармон ортилган тайёралар ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда. Бу тайёраларда олиб келинган юклар Ўзбекистон аҳолисига ўзга халқларнинг одамий ёрдамидир. Хусусан, биргина Америка Қўшма Штатларининг 2 та тайёрасида Тошкентга 14 тонна дори-дармон, 20 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Америка Қўшма Штатлари бу маҳсулотларнинг ҳақиқатан ҳам унга муҳтож бўлган ташкилотларга, жойларга, фуқароларга етиб боришини таъминлаш учун ўзининг махсус ишчи гуруҳини юборди. Бу гуруҳ аъзолари ўн кундан буён республикамизда ишлашмоқда. Жумладан, улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг бир қатор районларида, шаҳарларида, маҳаллаларида, шунингдек халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот вазирликларига қарашли, Қизил Ярим Ой жамияти ва республика меҳр-шафқат жамғармаси муассасаларида бўлишди. Жойлардаги аҳвол билан танишиб, зарур ёрдамларни кўрсатмоқдалар.

Ўтган куни Қорасув районининг Хонобод қишлоғи аҳли ҳам одатдан ташқари тоғ оилаларга берилаётган ёрдамлар тўғрисида гапириб бердилар. Бу суҳбатнинг гувоҳи сифатида шуни айтишим керакки, у жуда очиқ ва самимий бўлиб ўтди. Жеймс Лехи ва Фолан Мартин жаноблари ундан олам-олам таассурот олганликларини яширмадилар. Ҳамма вақт ҳам ана шундай очиқ мулоқотлар қилиш кераклигини алоҳида таъкидладилар.

Гуруҳ раҳбари жаноб Жеймс Лехи бизга ўтган кунлар мобайнида жуда кўп муассаса, ташкилот ва ҳудудларда бўлганликларини ҳамда Ўзбекистон учун бугунги кунда энг зарур бўлган нарса дори-дармон ва болалар учун кийим-кечаклар эканлигини айтди. Тошкент бозорларининг тўкинлигини тилга олди. Яқинда Тошкентга қўнувчи навбатдаги одамий ёрдам билан келаётган тайёрада ана шулар ҳисобга олинганлигини гапириб берди. Умуман бундан буён Ўзбекистон билан иқтисодий алоқа ўрнатишда ва турли ёрдам кўрсатишда бу сафарлар катта самара беришини алоҳида таъкидлади.

Мен шу куни мурувват ёрдамини қабул қилиш ва тарқатиш бўйича ишловчи республика ишчи гуруҳининг раиси, республика соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бошқармасининг етакчи мутахассиси Абдуҳаким Саримсоқов билан суҳбатлашдим.

— Бугунги кунда бизнинг ишчи гуруҳимиз хориждан келаётган меҳр-шафқат ва мурувват ёрдамларини энг зарур соғлиқни сақлаш, болалар муассасаларига ҳамда фуқароларга етказиб беришни таъминлаш бўйича катта ҳаракат қилмоқда,— дейди А. Саримсоқов.— Ҳозиргача биз Туркиядан 30 тонна озиқ-овқат ва дори-дармонлар олдик. Яқин кунларда Америка Қўшма Штатларидан яна бир тайёра келиши кутилмоқда. Булардан ташқари 19 февраль куни Покистондан 30 тонна ёрдам юклари ортилган тайёра келди. Яқинда Саудия Арабистонидан яна бир маълумот олдик. Улар Ўзбекистонга 14 минг тонна болалар сутли таомлари юбориш учун тайёрлаб қўйилганлигини маълум қилишди. Шунингдек, бу ердан дори-дармонлар ҳам келади. Оврўпо ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатлар томонидан республикамизга 530 минг тонна озиқ-овқат юборилмоқда. Уларнинг дастлабки қисми Тошкентга келиб тушди. Шуниси қувончлики, халқаро юкларни ташиш билан шуғулланадиган Олмониянинг «Весотра» фирмаси бу юкларни ўз ҳисобидан Тошкентга келтириб беришга қарор қилганлигини шу фирма Президенти жаноб М. Мирваҳобов куни-кеча менга маълум қилди. Бугунги кунда Ўзбекистонга ўз ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлган ишбилармонлар, фирмалар, кампаниялар сафи ортиб бормоқда. Биз барча хорижликларга бундай мурувватпешалик учун, бегараз ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Ушбу мақолани рўзнома учун тайёрлаб бўлганимда менга Абдуҳаким Саримсоқов қўнгироқ қилиб яна бир ахборотни киритиб кетишимни сўради. Бу ҳақиқатдан ҳам диққатга сазовор маълумот. Туркиялик дўстларимиз миллий байрамимиз «Наврўз» айёмини муносиб кутиб олишимизга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилишибди. «Наврўз» арафасида Туркиядан жуда катта миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотларни қабул қилиб олишга тайёргарлик кўришимиз керак бўлади.

Меҳр-шафқат, инсонийлик, мурувват чегара билмайди деганлари шу бўлса керак.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ЖАМҒАРМА БАНКИ ИЗОҲЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рўзномасида заёмнинг ташкилотчиси — СССР Молия вазирлиги тугатилганлиги муносабати билан 15 февралдаги тираж бекор қилингани ҳақида хабар пайдо бўлгач ана шундай мишмишлар авж олиб кетди. Лекин заёмнинг ўзини бекор қилиш тўғрисида ҳеч ким қарор қабул қилгани йўқ. Бу масала батафсил муҳокама этишни талаб этади. Нима бўлганда ҳам аҳоли ўз пулидан маҳрум бўлмайди. Иттифоқ ҳукумати республикамиз аҳолисига нисбатан заёмлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар юзасидан олган барча мажбуриятларни Ўзбекистон давлати ўз зиммасига олди. Шу сабабли заём облигацияларини топшириш шошилмасликни, заёмнинг тақдири узил-кесил ҳал қилинишини кутишни тавсия этаман. Эҳтимол, ютуқ ўйинлари давом эттирилар. Жамғарма банкимизнинг муассасалари заём облигацияларини қабул қилган ва бундан кейин ҳам қабул қилаверади. Бироқ кўп одамлар бирданига облигацияларини топшира бошлагач нақд пул етишмай қолди. 10 йил ичида Ўзбекистон ҳудудида 5,9 миллиард сўмлик облигациялар сотилган. Қисқа вақт ичида бунча пулни қайтариб бериш осон иш эмас. Шу гаплардан кейин ҳам облигацияларни топширмоқчи бўлган кишиларга унинг пулини жамғарма банкига ўтказишни таклиф қиламиз.

— Уткир Қаҳҳорович, банк муштарийлар олдидаги мажбуриятларини бажаришдан манфаатдор эмасми?

— Манфаатдор, албатта. Биз муштарийлардан маҳрум бўлсак, даромадимизнинг бир қисмидан маҳрум бўламиз.

— Ҳозирги вақтда сизнинг банкингиз мақоми қандай?

— СССР доирасидаги олдинги банкка сира ўхшамайди. Ҳозир банкимиз давлат тижорат банки мақомини олган. Бу эса аҳоли учун қўйилган барча омонатларга давлат кафолат беришини билдиради. Биз учун эса ишлаб пул топиш усулидир. 1991 йилда омонатларнинг ўсиши беш ярим миллиард сўмни ташкил этди. Биз уларни оборотга киритдик. — Якка тартибда уй-жой қурилиши, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун қарз бердик. Фойдаси билан қайтариш шарти билан икки миллиард сўмдан кўпроқ пулни Республика Давлат банкига кредит сифатида фойдаланиш учун, олти юз миллион сўм пулни эса бошқа тижорат банкларига бердик.

— Қарзга пул бериш пул ишлаб топишнинг бирданбир усулими?

— Пуллик хизматлар ҳам жамғарма банкига фойда келтиради. Бундай хизматларнинг тури саксонтадан кўпроқ. Хизматнинг мутлақо янги турлари ҳам бор. Масалан, жамғарма банки муассасалари қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун қабул қила бошлади. Ҳар қандай муддатга шартнома тузамиз. Қимматбаҳо қоғозларни ҳам сақлаб бериш учун қабул қилиб оламиз. Тез орада хорижий валютани жўнатиш операцияларини бошлаймиз. «Вестерн юнион — жамғарма банки» қўшма корхонаси билан фуқаролар номига валюта ўтказиш тўғрисида шартнома тузилди. Илгари бундай операцияларни асосан Москва бажарар эди. Эндиликда бу жараён жуда осонлашади. Валюта ўтказилганлиги тўғрисида хабарнома бўлса, уни белгиланган тижорат қийматида сўм ҳисобида олиш ёки нақд пулсиз мол сотиб олиш учун валютадан фойдаланиш мумкин бўлади. Ўтказилган пулнинг маълум фоизи бизнинг даромадимизга тушади. Шу билан бир вақтда хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш пунктлари ишлай бошлайди.

— Бу истиқболлар жуда умидбахш. Лекин кўпчиликни пулнинг қадрсизланиши масалалари ташвишга солмоқда. Сизнинг фаразларингиз қандай?

— Пулни қадрсизланишдан ҳимоя қилувчи восита бор. Жамғарма банки 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб аҳолининг омонатларига оширилган ставкаларни жорий этиш ниятидадир. Бир йилдан сўнг омонат миқдори кўпаяди.

Суҳбатни ЎзА мухбири Н. ШУЛЕПИНА олиб борди.

• Қишлоқ ишбилармонлари

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ОДАМ

ЧИНОЗЛИК РАҲМАТ МИРАЗИМОВНИНГ ИШЛАРИНИ ЎРГАНСА, УНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛИК, ИШБИЛАРМОНЛИК ТАЖРИБАСИНИ ОММАЛАШТИРСА АРЗИЙДИ

Бу одам бошидан жуда кўп қийинчиликларни кечирган, ҳаёт зарбаларига дуч келган, лекин бирор марта ҳам танлаган йўлидан қайтмаган. Болалигидан темиртерсакка ўч чиқди, ўн тўрт ёшида трактор минди, ўн саккиз ёшида колхозда бош механик бўлди. Агар тасодиф туфайли бахтсиз ҳодисага учрамаганда, ким билади, ҳозир каттагина хўжаликка бош бўлиб юрармиди? Бировга гап бермайдиган раислар иш билса Раҳмат акачалик билишар.

Раҳмат ака ёшлигидан қаттиқчилик кўриб ўсган эмасми, бировнинг миннатли нонини ейишдан орланди, ўзини ўзи қийнаб бўлсада, ошпазлик, ҳайдовчилик, бош кийимлар тикишни ўрганди, пайвандчиликда бошқаларни йўлда қолдириб кетадиган бўлди. У Чиноз машиний хизмат кўрсатиш комбинатида ишлаб юрганида комбинат директори Иван Яковлевич Страшко шаҳар марказидаги ҳаммом мудирлигига таклиф этди. Бу ҳаммом 1958 йилда қурилган, чўмилгани кирган одам у ер, бу ерини «қашқа» қилиб чиқарди, ҳовлиси ниҳоятда ивирсиб ётарди.

Раҳмат акага минг раҳматки, бировга яхши, бировга ёмон кўриниб бўлса-да, тутдек тўкилай деб турган ҳаммомни тузатди, ён-атрофга бадбўй ҳид таратаётган сувларни йўқотиб, канализация қувурлари ўтказди, бир километр жойдан газ келтирди. Орадан кўп ўтмай ҳаммом ва унинг атрофи бинойидек кўзга кўриниб қолди, одамлар гуллар чамандек очилиб турган соясалқин жойлардаги чорпояларда ўзаро гурунглашиб чой ичадиган бўлишди.

Лекин Раҳмат ака хамон тинчмасди, районда биринчи марта «Саломатлик маскани» барпо этиш учун елиб-югурарди, қоҳ ўзи, қоҳ дўстлари билан чизмаларини тайёрлаб раҳбарларга олиб кирарди.

— Ҳаммом шунчаки ювинадиган жой бўлмаслиги керак,— дерди у.

Биз ҳаммомда ювиниш қоидалари, унинг шифобахшлигига унча эътибор бермаймиз, турқи совуқ, бефайз хоналарда наридан—бери илимилиқ сув қуйиб, ҳаммомга тушган бўламиз.

Раҳмат ака чинакам ҳаммом қандай бўлишини чиноз ликларга намойиш этиб, уларга холис хизмат қилмоқчи бўлди. Бу идорага борди, у идорага борди, ялинди, илтимос қилди. Лекин маблағ масаласига келганда ҳамма ўзини олиб қочди. Ниҳоят дўстларини ишга солиб маблағ ундирди. Айниқса, унга вилоят уй-жой, коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиги Ҳамидулла Аҳмедов катта ёрдам берди. Бир йил деганда «Саломатлик маскани» битди. Унинг қурилишида Р. Жониқулов раҳбарлигидаги 49-қурилиш-таъмирлаш участкаси, «Старт», «Радуга», кооперативлари, йўл қурилиши бошқармаси қурувчилари жонбозлик кўрсатдилар.

«Саломатлик маскани» 7 та алоҳида чўмиладиган хона, битта сауна, икки дам олиш хоналаридан иборат. Бу ерга кирган кишилар қушдек енгиллашиб, тетиклашиб чиқадилар, халқ учун шундай қулайлик яратган Раҳмат акага қайта-қайта раҳматлар айтадилар.

Яқинда Чинозда бўлиб, Раҳмат ака билан суҳбатлашдик.

— Чиноз номи шаҳар бўлгани билан қишлоқдан хароб,— деди у куюниб.— Сабаби-у узоқ йиллар Янгийўл билан бирлашиб турди, бу ерда тузукроқ бинолар қурилмади, собиқ раҳбарлар ўзбошимчалик билан иш тутдилар. Масалан, шаҳар марказидаги чанги чиқиб ётган кўлни олайлик. Бу «кўл» неча-неча минг маблағларни ютиб юборганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин. Охир-оқибатда бировга кераксиз бўлиб турибди. Шу кўл ўрнида остида гаражи бўлган ҳашаматли ресторан ёки меҳмонхона қуриш мумкин. Шунда шаҳар қиёфаси ҳам чирой очарди. Мен район раҳбарларига шарқона ҳаммом қуриш учун жой беришларини сўрадим. Заҳкаш ерни беришди. Лекин бу ерда уни қуриш сира мумкин эмас. Ана шунақа гаплар, мен чиноз ликлар учун хизмат қилай, дейман. Ахир, қурган нарсаларимни кўтариб олиб кетмайман-ку.

Раҳмат акани ҳаддан ташқари мақтаб юборганлигимиз баъзиларга ёқмаслиги мумкин. Лекин инсоф билан айтинг, ҳозирги шароитда ана шундай ишбилармон кишилар бизга зарур эмасми? Уларга йўл очсак, тўрачилик тўсиқларини олиб ташласак, шубҳасиз бундай кишиларнинг халққа фойдаси кўп тегади.

Раҳмат Миразимов Чиноздан чиққан дастлабки ишбилармонлардан бири. Унинг ниятлари катта, мақсадлари аниқ.

Д. АҲМАД, Э. ҚОСИМОВ.

СУРАТЛАРДА: «Саломатлик маскани» мудири Раҳмат Миразимов. Дам олиш хонасида. «Саломатлик маскани»нинг умумий кўриниши.

Д. АҲМЕДОВ суратлари.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

КОНСТИТУЦИЯ ЛОИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

ТУРКМАНИСТОН Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади. Депутатлар Туркманистон Конституцияси лойиҳасини, 1992 йил бюджетини муҳокама қилмоқдалар.

●

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ шаҳри савдо ва умумий овқатланиш, енгил ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарини хусусийлаштириш давом этмоқда. Шунингдек, автотранспорт ва қурилиш ташкилотларида ҳам бу жараён жадал бормоқда. Йил охиригача мазкур тармоқларда 60 фоизгача корхона хусусийлаштириб бўлинади.

●

ХАЛҚАРО ФАЗОГИРЛАР

МОСКВА яқинидаги фазогирлар тайёрлаш марказида иккита халқаро экипаж парвозолди тайёргарлигини бошлаб юборди. Биринчи экипажда космонавтлар Александр Викторенко ва Александр Калери, шунингдек Германия вакили, тадқиқотчи фазогир Клаус-Дитрих Флаге бор. Иккинчи экипажга Анатолий Соловьёв, Сергей Авдеев ҳамда Германия фуқароси Эвальд Райнхольд киритилган.

●

ИШ ТАШЛАШЛАР, ИШ ТАШЛАШЛАР

БИЗДА иш ташлашлар оддий воқеа бўлиб қолди. Яқин-яқин вақтларгача асосан саноат ва кончилик тармоқлари ходимлари иш ташлашарди. Ҳозирги «меҳнаткашларнинг қишки ҳужуми» ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам кучайди. Россия федерацияси Давлат ҳисоб комитети матбуот учун тарқатган хабарда таъкидлаганидек, нархлар ўсиши туфайли иҳтимоий кескинлик кучайганлиги сабабли январь ойи охирининг ўзида Волгоград, Псков, Санкт-Петербург, Тверь, Москва, Екатеринбург, Амурск вилоятларида, Краснодар ўлкасида, Чувашистон, Удмурдистон республикалари, Саха республикасидаги 164 та мактаб ва 67 та соғлиқни сақлаш муассасаларида иш ташлашлар бўлиб ўтди. Уларда 8 мингга яқин ўқитувчи ва 13 мингдан ортиқ тиббиёт ходими қатнашди.

Иш ташлаётган жамоаларнинг асосий талаблари иш ҳақини ошириш, иҳтимоий имтиёзларни кўпайтиришдан иборатдир. Чунончи, Екатеринбург марказий район шифохонаси ходимлари дўхтирлар ойлигини 3 минг сўмгача, ўрта малакали шифокорлар маошини 2 минг сўмгача етказишни талаб қилиб чиққанлар.

●

ЭНГ КЎП НАШР ҚИЛИНАЁТГАН КИТОБЛАР

ЎТГАН йили Россияда энг кўп нашр қилинаётган китоб муаллифлари хорижлик ёзувчилар — Агата Кристи, Александр Дюма, А. ва С. Голон бўлиб чиқди. Бир неча йил муқаддам ўқувчилар га Пушкин, Булгаков, Маяковский китоблари ҳаммадан кўп тақдим қилинардди.

●

СПИРТ ҲАМ ЁНИЛҒИ

СПИРТДАН ёнилғи сифатида фойдаланиш қадимдан маълум. Харьков табиий газлар илмий-тадқиқот институти олимлари автомобиллар учун таркибида спирти бўлган ёнилғи ишлаб чиқаришнинг янгича технологиясини кашф қилдилар. Бу ерда гап автомобилларни ароқ қуйиб юргизиш устида бораётгани йўқ. Янги ёнилғи табиий газдан синтез йўли билан олинади. Табиий газ захиралари эса Украинада анчагина. Газдан ажратиб олинган бензин метанол спирти билан суюлтирилади. Янги ёнилғи атрофга зарарли чиқиндилар чиқармайди.

Билимгоҳ мутахассислари Харьков вилоятидаги Шебелинск газ конида ўрнатган иккита тажриба қурилмаси ҳозироқ ишлай бошлади.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНДИ

18 февраль куни Тошкентда «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий комитетининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, шу комитет раиси Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, «Наврўз» асрлар давомида одамларда ерга ва табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаб келди. «Наврўз» байрами кунларида уруш-жанжаллар тўхтатилган, гина-кудуратлар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик алоқаларига интилганлар. «Наврўз»нинг республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши яхши анъана бўлиб қолди.

Республикамиз мустақиллик йўлидан дадил одим ташлаб, бутун жаҳон эътиборини ўзига қаратаётган бу йилги шароитда «Наврўз» байрами алоҳида мазмун касб этади, умумхалқ шодиёнасига айланади. Байрам кунларида республикамиз шаҳар ва қишлоқларида халқ сайллари, шоирлар мушоиралари, спорт ўйинлари, етук санъаткорлар ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ўтказилади. Китоблар, тасвирий санъат ва халқ амалий санъати асарларининг кўргазмалари, истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилади. «Наврўз» байрами кунларида кўп болали оилаларга, қариялар уйларида яшовчилар, болалар уйларининг тарбияланувчилари, қаровчисиз қолган бева-бечоралар, ногиронларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилади.

Мажлисда комитетнинг умумхалқ байрамини ўтказиш билан боғлиқ режаси тасдиқланди ва комитет аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

(ЎзА).

• Деҳқон ва ҳаёт

БИРИМИЗ ИККИ БЎЛАДИМИ?

ГАРЧИ ўлкамизда қиш фаслининг сўнгги ойи ҳукм сураётган бўлса-да, она табиатдан баҳор нафаси уфрмоқда. Борлиқни серқуёш кунлар эгаллаб, унинг заррин нурлари бутун мавжудотни уйқудан уйготаётгандек. Табиийки, ана шундай пайтда деҳқон учун ҳам асосий иш бошланади. Дастлавал у иш қуролини созлаб, ерни яна бир карра кўздан кечиради. Сўнгра эгат олиб экин экишга тушади.

Хўш, баҳор эшик қоқаётган экан, мавсумга ҳозирлик қандай? Деҳқон қаноти ҳисобланган техника, ризқ-рўз чашмаси бўлган уруғ, ер, ҳамма-ҳаммаси тайёрми? Ўзимча, шундай мулоҳаза юритган ҳолда Қибрай ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бўлиб, саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдим. Хўжалик бош агрономи Маҳаммаджон Болтабоев ҳузурига кирганимда у чамаси, ёши 60 ни қоралаб қолган бир деҳқон билан гортишарди. Уларнинг суҳбати тугагач, нима мақсадда келганлигимни айтдим. Ўзи бироз ёришгандек бўлди. «Ахир сизлар биз деҳқонларни йўқлаб турмасаларинг, дардимизни, арзимизни тинглаб ёрдам бермасаларинг» дея ётгандек эди у.

— Жорий йилда 310 гектарга сабзавот, шунча майдонга чорва озуқаси учун экин экишни мўлжаллаяпмиз,— деди у.— Кун бироз исиб, ер оби-тобига келгач, ишни бошлаб юборамиз. Мавжуд 50 та техника ҳамда ўғит, уруғ—ҳаммаси мавсумга тахт қилиб қўйилган...

Унинг қанақадир масалада бош қотираётгани, бу мавзу борасида хушламайгина сўз юритаётгани шундоққина юз-кўзидан, сўзидан билиниб турарди. Шунинг учун суҳбатимиз мавзуини бояги киши билан бўлган гортишувга қаратдим. Шундан сўнг суҳбатимиз қовушиб кетди.

— Шу денг, ер сўраб келаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол, ер ҳақида қайғурадиганлар ҳам бор экан-ку, деган хаёлга борасан киши. Лекин, бир жиҳати бизни ташвишга қўяяпти-да. Хўжалигимизда деҳқончилик учун яроқли бўлган майдонлар бор йўғи. 700 гектар. Асосан, боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик билан шуғулланамиз. Шаҳарнинг нақ биқинида жойлашганлигимиз сабабли унинг аҳолисига етиштирган ноз-неъматларимиздан сотишимиз керак. Шунинг учун режа деган гап бор. Лекин бир томонда одамлар ер сўраб келаётгани...

Мен эътироз билдирдим. Ахир, қозир ерни деҳқонларга бўлиб бериш, хусусан деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳақида гап кетаяпти-ку, бу менимча маҳсулотнинг кўпайишига олиб келган бўларди. Шартнома бўйича ер берилса, режа ҳам барбод бўлмайди, деган фикр билдирдим.

— Тўғрику-я, лекин одамларимиз шуни тушунмайроқ туришибди-да. Мана ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Бояги киши 1 гектар ер сўраб келибди. У билан гаплашдим. Хўш, нима экасан, дедим. Ўзи хоҳлагамини экмоқчи экан. Энди бошқалар ҳам шундай фикрда-да. Албатта, уларнинг аксарияти фақат кўпроқ фойда келтирадиган маҳсулот етиштириш пайида бўладилар. Мана қаранг...

У стол устидаги папкани очди-да, бир тўп аризани қўлига олди. Ёнидаги чўтки шақиллатиб ура кетди. Тезда ҳисоб-китобини чиқарди.

— Ҳозирча, 151 гектар ер сўрашяпти. Ҳатто 15—20 гектарлаб сўраганлар ҳам бор. У бир нечта аризани менга узатди. Унга кўз югуртирдим. «...20 гектар ер беришингизни сўрайман. Ярмига боғ қилиб, 10 гектарига деҳқончилик қилмоқчиман. Етиштирган маҳсулотнинг 50 фоизини давлатга топшириш шарти билан, ...имзо».

— Ана, кўрдингизми, деҳқонларга ерни истаганча бўлиб бердик, дейлик. Лекин ҳамма ҳам гектарлаб ернинг уддасидан чиқаолармикан? Бу бир. Иккинчидан, унга бу жойга картошка, бу ерга пиёз экасан десак, роза бўлармикан? Агарда бир нечта оила бирлашиб пудрат усулида ишлаймиз деса, бошқа гап. Буни ўтган йили амалда қўллаб, афзаллик томонларини кўрдик. Улар 212 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, салмоқли натижаларни қўлга киритишди. Хўжалигимизга 5060 тоннадан кўпроқ сабзавот етказиб беришди азаматлар. Даромадлари ҳам чакки бўлмади. Масалан, оилавий пудратчилардан Серик Жумабоев — 7250, Карим Қурбонбоев — 7471, Норбуви Тостанова — 7250 сўмдан қўшимча даромад қилдилар. Ўтган йили хўжалигимиз 1 миллион 400 минг сўм соф фойда билан чиқди. Шундан 800 минг сўми иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига олинди. Қолган тармоқлар эса деярли зарар билан ишлаяпти. Масол тариқасида картошкани олиб кўрайлик. Хўб, деҳқонга бир гектар ер бериб, картошка экасан, десак. Эртага зарар билан чиқса, кейин бошқа экин экишга тушмайдими? Ҳамма билади, ҳозирги пайтда картошка етиштириш ниҳоятда қийинлашиб қолди. Колорадо қўнғизининг ўзи еб кетяпти картошкани. Хўжалигимиз ўтган йили картошкадан 56 минг сўм зарар кўрди. Ҳосилни йиғиштириб олгунча она сутимиз оғзимизга келди. Уч миллион дона қўнғизни қўлда тердик. Бу қанчага тушади? 30 минг сўм тўладик колорадо терганларга.

Бу ҳам майли, энди техника, ўғит, уруғ масаласи оғирлашиб бораётган бир пайтда гектарлаб ер олганларнинг аҳволини кўз олдингизга келтириб кўринг. Биласизми, ҳозир 1 тонна ўғитнинг нархи қанча? Нақд 2300 сўм сўрашяпти. Бу ўн баробар ошди, дегани, 1 килограмм булгор қалампири уруғи 650 сўмга, илгари биз қадрига етмаган битта яшикнинг баҳоси 32 га; бир дона қоп 16 сўмга чиқди. Ёки деҳқон ўз ерида карам етиштирди. Пишиб етилгач, давлатга топширди ҳам, дейлик. Битта яшикка нари борса 30 килограмм маҳсулот кетади. Килосини давлат нархида 1 сўмдан пулласа, ўзини-ўзи қопламайди-ку. Бундан ташқари меҳнат, ўғит, техника, сув ва бошқа сарф-харажатларни ҳисобласак, таннархи қанчага тушаркин? Кўриниб турибдики, деҳқон бундан манфаат кўрмайди. Ёки бир сўз билан айтганда, ҳозирги шароитда деҳқоннинг бири икки бўлиши қийин. Шунинг учун ер беришдан олдин обдон ўйлаб кўришимиз керак. Ўй қуришдан олдин пойдевори қўйилади-ку. Бу ҳам шундай гапда. Дастлаб ниҳоятда зарур бўлган техника ва бошқа маҳсулотларни ғамлаб олиш керак. Бундан ташқари, одамларнинг тайёргарлигини ҳам синовдан ўтказиш керак бўлади. Ва ниҳоят меҳнатга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартириш талаб этилади. Ана шуларни назарда тутиб, иш юритмасак, кўп нарсадан ютқазиб қўйишимиз мумкин...

Очиғи, агрономнинг куюниб айтган гаплари мени ўйлантириб қўйди. Дарҳақиқат, порлоқ тараққиётни кўзлаб меҳнат қилаётган эканмиз, бу йўлда адашмайлик. Ерни кимга бериш, бермасликни хўжалик аъзоларининг ўзлари ҳал қилишар. Лекин агроном айтганидек, гарчи зарар эвазига етиштирилаётган бўлса-да, баъзи маҳсулотларга бўлган талабни ким қондиради? Яна бир мулоҳаза. Биз бозорларимизда, савдо дўконларида сабзавот маҳсулотларининг нархи унчага чиқиб кетди, деб оғиз кўпиртириб гапиришдан ҳам чарчамаяпмиз. Агар бундай ўйлаб қарайдиган бўлсак, деҳқон ҳали ҳам инсоф билан иш юритаётган экан. Жилла қурса, ўз пулини қопласа бўлди, деган хаёл билан маҳсулот етиштираётган экан.

Шунинг учун деҳқонни айбламайлик. Балки унга мадад бериб, имкони борича унумли ишлаши учун шароит яратиб бериш зарурдир.

Х. ШАФОАТОВ.

ФОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **МУСТАҚИЛ Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйлаб узоқ давом этган сафаридан сўнг АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер 18 февраль куни Москвадан ватанига учиб кетди. Душанба куни Ж. Бейкер Россия Президенти Б. Н. Ельцин билан, сешанба куни эса Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев билан учрашди. Музокаралар тугагандан сўнг Россия Президенти журналистлар ҳузурида гапириб, ўзининг Америка Қўшма Штатларига қиладиган навбатдаги сафари шу йил июль ойида амалга оширилажаклигини айтди.**

● **БМТ Бош котиби Бутрос Ғали Хавфсизлик Кенгашига муҳокама қилиш учун Югославияга БМТ қўшинларини юбориш тўғрисидаги ўз режасини тақдим этди. Мазкур режага Синоан яқин вақт ичида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда: БМТ қўшинлари Шарқий Славония, Краина, Ғарбий Славония, Хорватиянинг уч минтақаси, шунингдек, Босния ва Герцеговинанинг чегара ноҳияларига юборилади. Югославияга жўнатиш мўлжалланган бўлинмалар сони 14 минг кишидан иборат бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Улардан 10 минг 400 нафари 12 та кучайтирилган пиёда батальонларига бирлаштирилади. БМТ қарбийлари ихтиёрида 4 та тайёра ҳамда 26 та вертолёт бўлиши кўзда тутилмоқда. Қўшинларнинг Югославияда туриши тахминан бир йил деб белгиланмоқда.**

Юқорида айтилган режада бошқа қатор тадбирлар ҳам бор. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 31 мамлакат, шу жумладан, Россияга БМТ қўшинларига ўзларининг ҳарбий хизматчилари ҳамда полициячиларини ажратиб бериш тўғрисида мурожаат қилди.

● **ЛИВАН жанубида вазият кундан-кунга қалтислашиб бормоқда. Мамлакат ҳукумати деярли узлуксиз ўзининг кенгашларини ўтказмоқда. Уларда мамлакат жанубидаги вазият муҳокама қилинмоқда. Ливан радиоси шу орада 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Исроил ҳарбий тайёраларининг Сайда шаҳри атрофида хавфли вазият вужудга келтирганликларини хабар қилди. У ерда фаластинликлар ҳамда «Хизбуллоҳ» партиясининг қуролли жангарилари жойлашган. Уз навбатида Исроил ҳарбий қўмондонлиги вакили «Катюша» тоифасидаги қурилмалардан Исроил ҳудуди ўққа тутилганлигини қайд қилди.**

Шу кунлари «Хизбуллоҳ» раҳбариятининг махсус кенгаши бўлиб ўтди. Унда яқинда исроилликлар ҳужуми натижасида ҳалок бўлган шайх Аббос Мусавий ўрнига Бош котиб этиб шайх Ҳасан Насруллоҳ сайланди.

● **БРАЗИЛИЯ католик оламининг дунёда энг катта мамлакатларидан бири ҳисобланиб келинар эди. Лекин, кейинги пайтда диндорлар ўртасида ғалати ўзгаришлар содир бўлмоқда. Қайд қилинишича, одамлар ибодатхоналарга виждон амри билан эмас, балки, шунчаки, анъанага риоя қилиш учунгина бормоқдалар. Католицизм ўрнига бошқа дин турлари ва мазхаблар келмоқда. Жумладан, спиритизм, табиблар ҳамда фолбинлар мансуб бўлган гуруҳлар, айниқса, катта фаолият кўрсатмоқдалар. 20 миллион мухлисларга эга бўлган инжил мазҳабига мансуб оқим жамият ҳаётида сезиларли ўзгаришлар қилмоқда.**

● **ПОЛЬША пойтахтида бўлиб ўтган матбуот конференциясида, ниҳоят, Польша янги ҳукуматининг 1992 йил ҳамда 1995 йилгача бўлган режаларига тааллуқли дастур эълон қилинди. Унда янги бош вазир Я. Ольшевский Л. Бальцерович бошлиқ аввалги ҳукумат амалга ошираётган дастурга жиддий ўзгартишлар киритажаклигини айтди. Жумладан, тижорат иқтисодиётига шошилинч сакраш усуллари билан ўтиб бўлмайди, деди Я. Ольшевский.**

● **СЎНГГИ йилларда Италияда санъат асарларини ўғирлаш тобора авжига чиқиб бормоқда. Жиноятчилар шунчалик тез ҳаракат қилмоқдаларки, уларни дарҳол қўлга туширишнинг иложи бўлмаётир. Масалан, Эстенс намойишхонасида жаҳонга машҳур бўлган муссавирлар — Эль Греко, Гвардн, Коррежо асарлари борйўғи уч ярим дақиқада ўғирлаб кетилди. Қўриқчилар ўғриларнинг қандай машинада ғойиб бўлганликларини ҳам сезмай қолдилар.**

Туркистон тарихидан ҳикоялар

9

Октябрь инқилоби:

ОШКОР БЎЛМАГАН САҲИФАЛАР

(Охири. Боши рўзноманинг 19, 20 февраль сонларида).

Советлардаги сўл эсерларнинг рус деҳқонлари мустамлакачи кайфиятини ўзида гавдалантирган кишиларнинг майда буржуа сиёсати Советларнинг йўқсуллар сиёсатини ўтказишга ҳалал берди. Инқилобий йўқсуллар курашига улар жалб этилмади.

Туркистонда 12 кун давом этган Тошкент Совети ҳукмронлиги (12—24 сентябрь) ҳақида ёзган тадқиқотчилар шундай саволни ўртага ташлаган эдилар. Нега ҳаракат раҳбарлари олға интилган омма билан бир сафда туришди-ю, лекин уларни номаълум истиқбол сари олға ундаша олмади? Нега улар Совет ҳокимияти — бу эски давлат машинасини тубдан қайта қуриш эканлигини тушинишмади? Бу саволга большевик Федор Колесов шундай жавоб қилган эди: «Ўша кунларда Тошкентда чинакам партиявий раҳбарлик, чинакамига большевистик уюшқоқлик йўқ эди. Биз ҳокимиятни қўлга олдик, аммо уни қўлда ушлаб туришга қодир эмас эдик». Большевик И. Тоболин бу ҳақида янада очиқроқ шундай деган эди: «Биз халқ иродасига бўйсуниб ҳокимиятни қўлга олдик» (Резцов Л. кўрсатилган асар; 103-бет). Тошкентдаги 12—25 сентябрь воқеалари таҳлили шуни кўрсатадики, «Бутун ҳокимият Советларга!» шиори метрополия маркази Петроград ё Москвада эмас, балки мустамлака Туркистон маркази Тошкентда ўзининг амалий ижросини топди.

Шаҳар думаларига сайловлар бошланган ёз ойларидаёқ Тошкентдаги мусулмонлар фаоллигидан ғоят ажабланган «Туркестанский курьер» газетаси шундай ёзган эди: «Рус фуқаролари сайловларга лоқайд қараган бир маҳалда сартлар, аксинча сайлов участкаларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қатъий аҳд қилишган. Танланган сайлов қоғозларининг кўпчилиги сайловхоналарга вақтида келиб ўз қоғозларини олаётган мусулмонларга тўғри келмоқда. Муслималар ҳам бу ерга келаётгани ажабланарли. Тошкентнинг рус қисмида кайфият шундай» («Туркестанский курьер» № 166, 1917 йил 27 июль). Худди шундай фикрни Самарқанддаги рўзномалардан бири айнан такрорлайди.

— «Рус аҳолиси сайловга лоқайд муносабатда бўлган бир пайтда, сартлар, аксинча уюшиб, ўз ҳуқуқларини сайлов бўлмаларида истифода этишмоқчи» («Свободний Самарканд» 1917 йил 30 июль). Худди шу рўзнома 2 август сонида шундай ёзади: «Сартлар минглаб тўпланган йиғин ва сайловолди мажлисларида ўнлаб нотиқлар сўзга чиқаётурлар». Сайловларда маҳаллий халқ вакиллари ва уларнинг ташкилотлари порлоқ ғалаба қозонгани ҳам рус жамоатчилигини ажабга солган эди.

Тошкент шаҳар Думасининг 112 аъзосидан 74 киши маҳаллий мусулмон халқи вакилларидан иборат бўлди. 24 ўринни эсерлар, 4 ўринни социал-демократлар ва бошқа ташкилотлар олди. («Туркестанский курьер» № 172, 1917 йил 3 август). Андижон шаҳар Думасида 77 ўринни «Шўрои ислом» эгаллаган ҳолда социалистлар 11 ўриннигина олишга эришдилар. Самарқанд Думасида эса 55 ўрин мусулмон ва фирқасизлар бирлигига, 4 ўрин мусулмон меҳнаткашлари фирқасига, 10 ўрин эсерларга, 2 ўрин РСДРПга, 4 ўрин яҳудийларга насиб қилди. («Свободний Самарканд» 1917 йил 12 сентябрь). Қўқон шаҳар Думасида мусулмонлар блоки 80 ўринни олган ҳолда эсерлар 13, социал-демократлар 2 ўринни олишди («Свободний народ» рўзномаси, № 107 1917 йил 8 октябрь) Андижон шаҳар Думасига сайловларда эса «Шўрои ислом» ташкилотидаги тараққийпарварлар 97 ўриндан 77 тасини, социалистлар блоки эса (эсер, меньшевик, большевиклар) бор-йўғи 11 ўринни эгаллашди, холос («Рабочая газета», № 163, 1917 йил 11 октябрь).

Мусулмонларнинг сиёсий фаоллиги ва сайловлардаги ютуқлари мустамлакачи Вақтли ҳукумат вакилларини саросимага солди. Вақтли ҳукуматнинг Туркистон ишлари бўйича комиссари Шнитников Тошкентга 1917 йил 10 октябрда йўллаган шошилинчномасида Туркистон шаҳар думаларида русларнинг етакчи ўринларни эгаллаш чора-тадбирларини кўриш зарурлиги таъкидлангани бежиз эмас.

— Шаҳарлар думаларига,—ёзган эди у Туркистон бош комиссарига,— сайловларни давом эттиринг. Шу билан бирга шаҳарларда Европа маданияти ва рус аҳолиси ҳуқуқини таъминловчи қўшимча чора-воситаларни топа билинг. Натижаларни зудлик ила хабар қилинг. (ЎзССР МДА, И-1 фонди, 6-рўйхат, 578-иш, 141-варақ).

«ИККИНЧИ ЭШЕЛОН» СИРИ

Инқилобий жўшқинлик кучайиб ўзининг энг юқори нуқтасига етиш жараёнида 1917 йил 10 сентябрь куни Тошкентда Туркистон ўлка умуммусулмон II қурултойи очилгани бу ўринда сира тасодифий эмас. Қурултой фақат ўлкагина эмас, балки бутун Россия мусулмонларини сиёсий воқеаларда фаолликка чақириб умумроссия ҳукуматида қатнашишлари лозимлигини ҳамда Россия миқёсида барча ишлар мусулмонлар билан кенгашган ҳолда олиб борилишини талаб қилди. («День» рўзномаси, № 161, 1917 йил 12 сентябрь).

10

Ҳа, ўлка мусулмон зиёлилари, уламолар ва барча илғор кучларнинг бундай талаблари марказдаги ва ўлкадаги рус шовинистларини талвасага солиши табиий эди. Керенский ҳукумати рус зиёлилари, ишчи ва солдатларига кўра мусулмонлар кўтарилишидан қўрқар эди. Фикримизнинг далилли сифатида бир мисол келтириш кифоя. Тошкентда ҳокимиятни қўлга олган ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советини бостириш учун Вақтли ҳукумат 10 вагонда жойлашган отряд жўнатган бўлса, унинг орқасидан «Тошкентда зўравонлик қилаётган мусулмонларни» қонга ботириш учун қуролли куч, тўп-пулемётлар жойлашган - 39 вагонни юборган. (Тошкент вилоят Давлат архиви, 10-фонд, 13-рўйхат, 3-иш, 21-варақ).

Ана шу иккинчи эшелонга мавжуд адабиётлар ва тадқиқотларда сира ўрин ва шарҳ берилмаганини эслатиб ўтишни лозим деб биламиз. Тошкент Совети ижроқўмининг 25 сентябрдаги Петроград Советлари Марказий ижроқўми вакили Захватаев иштирокидаги йиғилишида большевик Ф. Колесов ана шу «иккинчи эшелон» ҳақида сўров қилганида марказ вакили Захватаев иккинчи эшелондаги отрядлар «сўл» кучлардан ташқари «маҳаллий аҳоли томонидан бўладиган бошболдоқликка қарши» ишга солинишини очиқдан-очиқ айтган (ўша ҳужжат, 20-варақ).

Худди шу сентябрь воқеалари таҳлили бобида тарихчилар 1917 йил 17—20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойини ҳам четлаб ўтганлар. Қурултой мусулмон зиёлилари ташаббуси билан очилиб унда 500 вакил қатнашган эди. Улар сафида Урал ва Тўрғай вилоятлари вакиллари ҳам бўлган. Қурултой Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларини ҳеч қандай фирқаларга таянмай мустақил йирик фирқа тузишга чақирди. Мусулмонлар иттифоқи яъни «Иттифоқи муслимия» деб номланувчи бу фирқага «Шўрои ислом», «Уламо», «Турон» ташкилотлари бирлашуви лозим деган қарорга келинди. («Улуғ Туркистон» № 29, 1917 й.).

СИБИРЬ ПОЛКИНИНГ МУСУЛМОН РОТАЛАРИ

Сентябрь ойининг охирида ўлкадаги вазиятни ҳисобга олган зиёлилар миллий мустақилликни ишчи ва солдат депутатлари Советлари ҳам, Вақтли ҳукумат бош комиссари генерал Коровиченко ҳам бермаслигини чуқур англаган ҳолда ўзлари дадил қадам қўйдилар. «Уламо» ташкилоти қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилишга қарор қилди. Туркистон ўлкаси маҳаллий ва миллий мухторият эканлиги, ички ишларда мустақиллиги уқтирилди. «Туркистон федератив демократик жумҳурияти» ўз қўшини ва милициясига эга бўлиши масаласи кескин мунозарага сабаб бўлди. Туркистоннинг ер-сувлари умумхалқ мажлиси бошқарувида бўлиши уқтирилди. Мачит-мадрасалардан тортиб ер-сувгача барча дунёвий-диний ишлар шариат асосига қурилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. («Улуғ Туркистон». № 29, 1917 йил 30 сентябрь). Мусулмон зиёлилари бу иш осон эмаслигини билиб қуролли кучлар сафида ташвиқот бошладилар. Тошкентдаги энг кучли, инқилоб таянчи бўлган 1 ва 2-Сибирь полкларидаги мусулмонлар қўмондонлик қаршилигига қарамай алоҳида мусулмон роталари сифатида ажраб чиқишди. Биринчи бўлиб 1-Сибирь полкининг мусулмон солдатлари 16 октябрь куни алоҳида рота сифатида ажраб чиқишди. 2-Сибирь полки мусулмонлари ҳам бир ротани ташкил этишди.

18 октябрь куни эса собиқ генерал-губернатор уйида Туркистон ўлкасидаги барча мусулмон қўшинлари қурултойи ўз ишини бошлади. Барча йиғилишлар рус тилида олиб борилган бу қурултой 26 октябргача ўз ишини уюшқоқлик билан ташкил қилди. Унда қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Мусулмон роталарини ажратган ҳолда мусулмон батальонини тузиш.

2. Таъсис мажлисига сайловлар давомида мусулмон солдатлари тараққийпарвар мусулмон ёшлари рўйхатига овоз беришлари керак. Агар бундай рўйхат бўлмаса турли миллатлар вакилларидан иборат социалистлар рўйхатига овоз берилсин.

3. Марказий Тошкент ҳарбий кенгашини тузиш.

Ҳарбий Кенгаш аъзолигига Давлат Мирзаев, Муса Оқчурин, Абдулла Оқчурин, прапоршчик Оқчурин, Собиржон Юсупов, Мирсиёф Аҳалаев, Ризоитдин Шокиров, Гариф Клиблеев, Карим Бурнашев ва бошқалар сайланишди. («Улуғ Туркистон», 1917 йил 18 октябрь, 4 ноябрь сонлари).

Ўзбек ва татар солдат-офицерларидан иборат Туркистон марказий ҳарбий кенгаши аъзолари сафида большевик Собиржон Юсупов шахси алоҳида диққатга сазовордир. Бухоролик ишчи ўғли Собиржон жуда эрта инқилобий фаолиятини бошлаган, 1914—1917 йилларда солдат бўлиб фронтда жанг қилган, февраль инқилобидан сўнг 1-Сибирь полкидан Тошкент Советига, сўнг Туркистон ўлка Совети аъзолигига сайланган.

Собиржон Юсупов ўзбек меҳнаткаш зиёлиси сифатида 1917 йил апрелида большевиклар фирқасига ўтади. Худди ўша ойда иш бошлаган I Туркистон умумислом ўлка қурултойи ҳайъати аъзоси сифатида мўътабар зиёлилар қаторидан ўрин олади. Расмий тарихчиларимиз С. Юсуповга кўп ҳамдусанолар ўқиган ҳолда унинг умумислом қурултойидаги иштироки, мусулмон қўшинлари ҳарбий кенгашидаги фаолияти ҳақида умуман ёзмаганлар. Улар кўпроқ унинг Туркистоннинг Москвадаги мухтор вакили сифатидаги фаолияти (1918—1920) Бухоро милицияси раҳбари ва бошқа юксак лавозимлари (РКП(б) МК махсус комиссияси, ВЦИК аъзоси каби) тўғрисида ёзишган, лекин ўзбек халқининг чинакам зиёли фарзанди Собиржон Юсупов (1881—1931) ўз миллати мустақиллиги ва равнақи йўлидаги фаолиятини расмий мафкурага ёт бўлгани учун атайлаб четлаб ўтишади. (Қаранг: А. Акрамов. «Полпред республики», «Ўзбекистон» нашриёти, 1987). Ҳолбуки Собиржон Юсупов каби ўзбек зиёлилари ва солдатларининг инқилоб арафасидаги фаолияти кўп жиҳатдан ўрганишга лойиқдир.

БОЛЬШЕВИКЛАР ҚАЙ ТАРИҚА ЕТАКЧИ БЎЛИШДИ?

1917 йил октябрь ойида бутун Россиядаги каби Туркистон ўлкасида ҳам иқтисодий таназзул кучайиб кетди. Вақтли ҳукумат бош комиссари, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор П. Коровиченко Петроградга юборган шошилинчномасида ўлкадаги озиқ-овқат танқислиги ғоят кучайиб кетгани, Туркистонга марказдан келтириладиган дон миқдори 75 фоиз камайгани туфайли кўпгина ноҳияларда очарчилик бошланганини хабар қилди. Ана шу очарчилик натижасида Коровиченко эътироф қилишича «яхшироқ таъминланган рус аҳолиси билан мушкул аҳволдаги

11

мусулмон аҳолиси ўртасидаги муносабатлар кескинлашган» (С. Муравейский. «Материали по истории Октябрьской революции в Туркестане». Тошкент, 1922, 47-бет). Сирдарё вилоят озиқ-овқат бошқармаси ахборотига кўра сентябрь ойида вилоят аҳолисига мўлжалланган 370 вагон ўрнига бор-йўғи 136 вагон дон келтирилган. Бу 2 миллион кишилик вилоятда ҳар бир кишига ойига 2 қадоқ нон тўғри келгани демакдир. Ўшани ҳам шаҳар аҳолиси олиб, қишлоқ жойларига жуда оз дон ажратилган. (ЎзССР МДА, Р-1613 фонди, 1-рўйхат, 4-иш, 116-варақ).

Ана шундай шароитда жойлардаги Советлар Вақтли ҳукуматдан озиқ-овқат масаласига эътибор бериш, Россиядан Туркистонга донни етказиш ишини яхшилашни талаб қилдилар. Аммо Вақтли ҳукуматнинг қимматчилик, чайқовчиликнинг кучайишига қарши, очарчиликни бартараф этиш — умуман кенг омманинг иқтисодий танглигини бартараф этишга қодир эмаслиги кун сайин барчага аён бўла бошлади. Зотан буржуазия ва бошқа мулкдор табақалар манфаатларини ўзида ифодалаган Вақтли ҳукумат худди шу бой табақага қарши ҳеч қандай чора кўриши ҳам мумкин эмас эди. Фарғона вилояти комиссари Маевский 1917 йил 18 октябрда Тошкентга юборган шошилинчномасида «очарчилик туфайли ўлаётганлар кўп, вилоят ҳалокат ёқасида» деб зудлик ила ёрдам кўрсатишни сўраганди ҳам беҳуда эди. (ЎзССР, МДА, И-1 фонди, 6-рўйхат, 578-иш, 216 —в.). Ана шундай шароитда қимматчилик ва очарчиликдан энг кўп жабрланган ишчиларнинг норозилик овози тобора баланд янграй бошлади. 1917 йил 23 октябрь куни Тошкент бош темир йўл устахоналари механика цехи ишчилари Тошкент Советига қуйидаги мазмундаги резолюцияларини йўллардилар:

— Нон таҳчиллиги ва ҳар куни қимматлашиб кетаётган озиқ-овқат ва кундалик зарур моллар нинг нархлари бизни ва оиламизни бўғиб бормоқда. Очлик даҳшати тоқатимизни тоқ қилиб сабр косамизни тўлдирдики, энди биз халқнинг ҳаддидан ошган жинояткор чайқовчиликка қарши нафратини ва ўз ҳолича унга жазо беришини тўхтатиб қололмаймиз. Шунинг учун ҳам ўз делегатларимизга ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советига мавжуд таҳликали вазиятни тушунтиришни топширамиз... Сурбет жиноятчи чайқовчилар бизни бўғмоқда, сўнгги тийинимизни қоқиб тинкамизни қуритмоқда. Оч болаларимиз йиғиси эса юракларимизни эзмоқда.

Бизга маошимизни ошириш керак эмас, биз дарҳол жиноий чайқовчиликни таг-томири билан тугатишни, озиқ-овқат ва кундалик зарур молларнинг барча турига адолатли нарх белгиланишини талаб қиламиз. Акс ҳолда барча онгли фуқаролар қўрқадиган, даҳшатли, ўлимни ҳам писанд қилмайдиган очлик қўзғолони бошланади.

Бу вазиятда озиқ-овқат тақсимотини назорат қилиш, бойлар ихтиёридаги дон-дунларни мусодара этиш, ерларни деҳқонларга, заводларни ишчиларга бериш, барча халқларга миллий мустақилликларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини таъминлаш каби талабларни илгари сурган большевикларнинг обрўси кўтарилиб кетди. Журналист Г. Цвилинг хотираларида шунга оид қизиқ воқеа келтирилган: «Конференция вақтида Ҳуррият уйига чанг ва кир босган йиртиқ чопонларда йигирма чоғли қирғиз кириб келди. Пойгакда улар русчани бузиб, сўрашди.

— Болшовойлар қаерда?

— Қанақа болшовойлар, кимсизлар, қаёқдан келдинглар?!

— Узоқдан келдик! Очмиз! Болалар оч! Ҳамма бизга: Тошкентга бор, болшовойлар камбағалларга қарашади деди! Маълум бўлишича, оч қолган бир неча юз қирғиз онлалари Тошкентга келиб шаҳар атрофида жойлашибди. Сўнг шу ернинг ўзида, Тошкентнинг чеккасида мажлис қилишибди, бутун қондага амал қилган ҳолда делегатлар сайлаб уларга, Ҳуррият уйига, большевиклар олдига бориш тўғрисида наказ беришибди. Қирғизлар ерли аҳолидан Тошкентда халқ сайлаган кишилар мажлис қиладиган Ҳуррият уйи, бу кишилар орасида большевойлар борлигини, улар камбағаллар манфаатини ҳимоя қилишларини эшитган эканлар.

— Болшовойларга!

— Ҳаммамиз болшовойлармиз!

...Янги ўртоқлар, большевик қирғизлар конференцияда биз, большевиклар ўтирадиган томондан жой олишди» (Г. Цвилинг., кўрсатилган тўплам., 76-бет).

Кенг оммага тушунарли ва дилига яқин шиорларни байроқ қилган большевиклар октябрь ойида инқилобий вазият кучайган шароитда бошқа сиёсий фирқаларга нисбатан шундай устунликка эришдиларки, натижада улар ортидан меньшевик-байналмилалчилар, сўл эсерлар, анархистлар ва мусулмон меҳнаткашлари ҳам комил ишонч ила эргашишди. Мусулмонлар ўртасида синфий табақаланиш жараёни тезлашиб улар қисқа муддатга сиёсий кураш сабоғини ўтаб, дўст-душман, оқ-қорани таниб олдилар. Бу ўринда Андижон шаҳар милицияси бошлиғининг 1917 йил 24 октябрда юқорига юборган билдиргисида **«Наманган жамоат хавфсизлиги Қўмитасидаги рус аъзолар кўпчилиги ташкил этган мусулмонлар «ноқонуний» қарорлар қабул қилиб уларнинг рухсатисиз ўзбошимча иш тутишаётганидан норози бўлиб** истеъфога чиққанларини» хабар қилгани диққатга лойиқдир. (ЎзССР, МДА, И-19,—фонди, 1-рўйхат, 10077-иш, 302-варақ).

Умуман, кенг халқ оммаси эсер, меньшевик, большевик, кадет фирқаларининг фарқига бормаган. Уларни «Мухторият», «Таъсис мажлиси», «Пролетариат диктатураси», «Жаҳон инқилоби» каби шиорлар эмас, балки халққа нон, озиқ-овқат, уруш ўрнита тинчлик беришни ваъда қилувчи одамларгина ўз ортидан эргаштира олар эди.

БОЛЬШЕВИКЛАР ХАТОСИ

Ўлкадаги инқилобий жараёнда ишчилар синфининг етакчи ўрни

12

ҳақида кўплаб асарлар яратган тадқиқотчилар бунда темир йўл ишчиларининг салмоқли ўрни ҳақида тўғри ёзган ҳолда бир муҳим томонни четлаб ўтишган. У ҳам бўлса темир йўл ишчиларидаги кучли мустамлакачилик кайфияти масаласидир. Худди шу масала инқилоб тарихидаги кўпгина тугунларни ечишга калит беради. Бу истилочилик мавқеи, буюк рус шовинизми ва мустамлакачилик кайфияти Октябрь инқилобидан кейин ҳам узоқ вақтгача ўз таъсирини кўрсатиб келгани сир эмас. Ўрта Осиё темир йўли 1880 йилларидан бошлаб асосан ишчи кадрлари билан таъминлана бошлаган эди. Ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳукумат темир йўли ишчиларга, айниқса малакали рус ишчиларига яхшигина моддий таъминот ҳамда мустамлака имтиёзларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратган эди. Паровоз машинистлари олий даражада қатнов мукофотлари олар, кондукторлар эса порахўрлик билан шуғулланиб маҳаллий аҳолини талашар, мастерлар эса катта-катта маошларга эга эдилар. Улар ишчи аристократияси қатламини ташкил этиб ишчилар ўртасида сиёсий оппортунизм заминини яратишган эди. Рус ишчилари ўртасида ҳоким миллат онги ва сиёсий мафкураси кенг илдиз отгани ҳам тасодифий эмас.

Рус ишчиларининг ҳоким миллат вакиллари сифатидаги имтиёзли ўрни, сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан қонунлаштирилган мавқеи, буюк давлатчилик шовинизмининг эллик йилдан бери олиб бораётган сиёсати — мана шуларнинг бари ўзбек, тожик, қирғиз каби Туркистоннинг туб миллат халқларига мустамлакачиларга хос ёндошувнинг ижтимоий заминини ташкил этган эди. Худди ана шу заминдан туриб ўлкадаги кўпчилигини руслар ташкил этган социал-демократлар ва социал-революционерлар фирқалари иш юритишган. Большевиклар, меньшевиклар ва эсерларнинг кенг халқ оммаси билан алоқаси ва унга таъсирининг заифлиги ҳам ана шу билан изоҳланади. Бу ерда бир кичик мисолни келтириш ўринлидир. 1906 йилда большевикларнинг «Солдатский листок—Правда» газетасида «Ишчилар нима истайди?» мақоласида РСДРПнинг миллий масала бўйича дастуриламали баён қилинган эди. Унда чоризм зулми остида эзилаётган рус бўлмаган миллатлар ҳақида гапирилиб, поляклар, финнлар, литвалилар, яҳудийлар тилга олинган ҳолда Туркистондаги ўзбек, қирғиз, туркманлар мутлақо тилга олинмайди.

— «Рус халқини талаётган ва эзаётган ҳукумат,— деб ёзган эди рўзнома,— шу билан бир қаторда поляк, литвалилар, финнлар, яҳудийлар, грузин, арман ва **бошқаларни** (кўр. Ҳ. С.) айниқса зўр исканжага олмоқда» (Солдатский листок — Правда, № 2 1906, 7 февраль).

Туркистонда рус социал-демократлари нашри бўлган бу рўзномадаги дастурий мақолада поляк, литвалилар тилга олинган ҳолда улардан баттар исканжага олинган ўзбек, тожик, туркман, қирғизларнинг эсга олинмаслиги, улар «ва ҳоказолар» қаторига тушгани Ўрта Осиёда ишлаётган социал-демократлар, айниқса большевиклар учун ҳеч кечирилмас хатодирки, бу ҳақда ўз вақтида тадқиқотчилар, кўрсатиб ўтган эдилар. (Қаранг. «Революция в Средней Азии», Сборник № 1., Тошкент, 1928., 68-бет).

Адолат нуқтаи назаридан шуни эътироф этиш лозимки, социал-революционерлар, яъни эсерлар большевик-меньшевик социал-демократларга қараганда маҳаллий мусулмон меҳнаткашлари билан яқин алоқа ўрнатишга ҳаракат қилганлар. Бу ўринда ўша биринчи рус инқилоби йилларида уларнинг ўзбекларга мўлжалланган яширин хитобномаларидан бирини кўрсатиш кифоя. «Мусулмонларга!» деб номланган хитобномада рус ишчилари, деҳқонларининг чориэмта қарши қўзғолгани ҳақида гапирилиб мустамлакачилик сиёсати қораланади.

— Николай подшо,— деб ёзилганди хитобномада,— мужикларни Туркистонга кўчириб, улар билан маҳаллий деҳқонлар ўртасида ер учун ўзаро қонли тўқнашувлар бўлиши ва шу билан ўзига қарши умумий кучларни бўлиб ташлашни истайди. Мусулмонлар! Агар сизлар пешона теринги тўкилган ерларингизни қўлдан чиқаришни истамасангиз, рус деҳқонлари ва ишчиларига ёрдамга шошилинг, помещчиклар ерларини мусодара қилишда уларга кўмаклашинг. Сизлар бошқа миллатлар билан бирлашиб, чор ҳукуматига қарши курашга шайланинг».

Ўша 1905—1907 йилларга оид полиция ҳужжатларида эсерлар билан боғланган ўзбеклардан Маҳдихўжа Хорунхожи ўғли, Султонхўжа Иноғомхўжа ўғли, Ғофуржон Исломжонов, Тошмаҳсум Муллахўжаев ва бошқаларнинг тилга олинниши ҳам бежиз эмас. (ЎзССР МДА, И-1 фонд, 4-рўйхат, 1053-иш, 42—43-бетлар).

Туркистондаги эсерлар фаолияти ҳанузгача тадқиқот объекти бўлмагани ачинарли ҳол. Чунки архивда уларнинг ишларига оид юзлаб жилдларни ташкил қиладиган бой ҳужжатлар мавжуд. Туркистон большевиклари эсерлар каби бой сиёсий кураш тажрибасига, иозик тактика усулларига эга бўлишмаган.

Большевиклар таниқли Туркистон маърифатпарварлари М. Беҳбудий, А. Авлоний, М. Абдурашидхонов, У. Асадуллахўжаев, Фитрат ва бошқаларга калондимоғлик билан қарашди. Ўзбек жадидларига шубҳа-ҳадик ила муносабатда бўлишди. РСДРП Тошкент ташкилоти аъзолари саводхон, оқ-қорани таниган ҳамда «пролетар қозонида қайнаган» ишчи-зиёлилар — О. Бобожонов, С. Қосимхўжаев, Н. Хўжаев, М. Мирҳодиев каби синфий қардошларига ҳам тегишли ҳурмат-эътибор кўрсатишмади.

Бу ҳол 1918—1920 йилларда ги фуқаролар урушида янада яқ қол кўзга ташландики, мазкур масала чуқур ва ҳар тарафлама кенг тадқиқот мавзусидир.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Абдулла Авлоний мукофоти совриндори, тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим.

ОЗОДЛИК ОБИДАСИ

ЎЗБЕКИСТОН меъморлар уюшмасида шу йил 5 февралдан бошлаб Мустақиллик майдонида ўрнатиладиган «Озодлик обидаси» лойиҳаларининг муҳокамаси бошланди.

Маълумки, ҳозирги кун миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш даври. Ватан тушунчаси эса миллий байроғи, мадҳияси ва меъморий ёдгорлиги билан бир бутунликда белгиланади. Жумладан, биз қуйида тавсия этмоқчи бўлган «Озодлик минораси» Ватанимиз — Ўзбекистоннинг қиёфасини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлади деб ўйлаймиз:

Қизил ҳарсанг тошни ёриб чиққан оқ мармар устунига миллий анъана бўйича янги ой қадалган кошин ўрнатилади. Минора қизил харсангдан қилинган стилобатга ўрнатилган бўлади. Минорани ўрнатишда майдон атрофидаги бошқа бинолар томонидан тўсилиб қолмаслиги, унинг ҳамма томондан салобат тўкиб туриши ҳисобга олинади.

Миноранинг ўнг томонида, маълум сабабларга кўра, жумладан, қадимий анъанани ҳисобга олиб, эски шаҳар ташқариси ҳисоблаб, «Жомеъ масжиди» қуриш ниятимиз ҳам бор.

Шунингдек, марказий майдонда қурмоқ учун мўлжалланган масжид «Озодлик минораси» билан нормаълум аскар қабри ва ундаги мангу оловни мантиқан бирлаштириб туриши ҳам кўзда тутилди.

XIX асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё Россиянинг мустамлакасига айлангандан кейин, Тошкент шаҳрининг «эски» (мусулмонлар) ва «янги» (руслар) қисмининг чегараси ҳозирги Анҳор бўлганлиги бизга маълум. Биз агар Анҳорнинг «янги» шаҳар деб номланган қисми марказий майдонда ниятимизни амалга оширсак, яъни масжидни қурсак, «эски» ва «янги» шаҳар деган тушунча йўқолади. Натижада масжид ҳам мустақиллигимиз рамзи сифатида қад кўтариб туради.

Ниҳоят, мустақил Ўзбекистонимиз бир қатор мусулмон давлатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқа ўрнатаётган бугунги кунда майдонда масжид қурилса, яна ва яна Шарқ маданияти ва меъморчилигимизга қайтаётганимизни амалий намойиш қилган бўламиз.

Диёр МИРЗААҲМЕДОВ.

НУФУЗЛИ АНЖУМАН

Ўрта Осиё ва жаҳон маданияти мавзуси бутун дунё олимларини кўпдан бери қизиқтириб келаётган муҳим масалалардан бири саналади. Кейинги йилларда амалга оширилган илмий изланишлар юзасидан бафуржа фикрлашиб олиб, бу борадаги тадқиқотларни келгусида кенг кўламда йўлга қўйиш мақсадида халқаро конференция чақириш кўзда тутилган эди. Ана шу нуфузли илмий йиғин жумҳуриятимиз пойтахтида ўтадиган бўлди. Ўрта Осиё ва кўҳна маданият тараққиёти муаммолари билан жиддий шуғулланиб келаётган археолог олимлар шу йилнинг баҳорида Тошкент шаҳрида тўпланишади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур илмий анжуманни ўтказишга Ўзбекистон Маданият вазирлиги Ҳамза номли санъатшунослик илмгоҳи билан бирга Японияда Сок дорилфунуни илмий жамоатчилиги ҳам якдил фаолият кўрсатмоқдалар. Гап шундаки, ҳар икки илмфан даргоҳлари бир неча йиллардан бери яқин ҳамкорлик ўрнатиб, доимий археологик экспедицияларни ўтказиб келмоқдалар. Сурхондарё воҳасидаги Далварзинтепа харобаларида олиб борилган археологик кузатишлар яхши самара бермоқда. Мазкур мустаҳкам илмий алоқалар натижаси ўлароқ «Жанубий Ўзбекистоннинг ўтмиши» деган йирик нашр юзага келди. Японияда чоп қилинган бу китобдан ўзбек ва япон олимларининг муҳим изланишлари кенг ўрин олди.

«Ўрта Осиё ва жаҳон маданияти» мавзусида ўтадиган халқаро конференцияда япониялик археолог олимлар ҳам қадимий ва кўҳна санъатга бағишланган маърузалар билан чиқишади.

А. АЛИЕВ.

Пойтахт театрларида

«ЕР ЁНГАНДА»

ҲАМЗА номидаги ўзбек давлат академик драма театри санъаткорлари режиссёр Марат Азимов раҳбарлигида куни кеча Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг «Ер ёнганда» икки пардали драмасини саҳналаштиришни ниҳоясига етказдилар. Бу саҳна асари Наврўз байрами кунларида театр мухлисларига тақдим этилади.

Маълумки, драматургнинг «Қиёмат қарз» ва «Шошма, қуёш» сингари саҳна асарларини эслаганимизда, кишиларни инсонийликка, меҳр-оқибат ва виждонийликка ундовчи асарларнинг қаҳрамонлари ёдимизга тушади. Янги асар ҳам ана шу йўналишларни давом эттириб, оналик меҳрини улуғлайди. Солиҳабиби (ролда артист Рихси Иброҳимова ва Тўти Юсупова) пахта иши билан ноҳақ қамалган ўғлининг (у саҳнада кўринмайди) азобида куйган она қайғуси-ю келиннинг (Гулчеҳра Жамилова ва Гулчеҳра Иброҳимова) ҳаётий изтироблари кўз олдимизда жонланади. Шунингдек ноҳақ қамалган кишилар ортидан қалбаки имзо қўйган ҳокимларнинг эртанги тонг шуъласини фаҳмлаган ҳаёт таъзи ҳам театр мухлисларининг эътиборидан четда қолмайди.

Асарда Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Ғани Аъзамов, Тўлқин Тожиев, Турғун Азизов каби атоқли санъаткорлар ҳам қатнашадилар. Саҳна безакларини Убай Сайдалиев тайёрлаган.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон маданият жамғармаси Ахборот маркази мухбири.

● **Жумҳурият ёш техниклар станцияси қошида ташкил этилган устахонада болалар рубоб, дутор, танбур сингари миллий чолғу асбобларини таъмирлашни ўрганишади. Тўгаракка бир неча йилаб мусиқа асбобларини яратган, тажрибали уста Муҳаммадназир Юнусов раҳбарлик қиляпти. Унинг ёрдамида талайгина ёшлар мазкур ҳунарни ўзлаштириб олишди.**

СУРАТДА: М. Юнусов шогирди Қаҳрамон Исмоилов билан.
Суратқаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

ХУЛОСАНИ ЎЗИНГИЗ ЧИҚАРИНГ

БИЛАСИЗМИ, баъзида катта ёнғинлар сабабини аниқлаш қийин кечади. Бундай ҳодисалар албатта камдан-кам учрайди. Чунки ёнғин қаердан келиб чиққанлигини оддий ўт ўчирувчи яхши билади. Агарда бу ишга мутахассисларимиз киришса, борми, ипидан-игнасигача айтиб берадилар. Яқинда шундай бўлди.

Чиноэлик икки ўсмир фуқаро Х. Давидовнинг уйига ўғирликка тушмоқчи бўлишиб, унинг чиқиб кетишини пойлашди. Уйда ҳеч ким қолмаганини кўрган ўғрилар уйга тушишиб қўлга илинган бор буюмларни «тозалашга» тушдилар (бу воқеа эрталаб содир этилди). Ҳовлидан топиб олган аравачага юкларни жойлаб қўшин маҳалладаги ўз ҳовлисига равона бўлган номард ўғрилар кетаётиб уйни икки жойидан ёқиб кетдилар. Аланга ёнғинга айлангани билан излар йўқолмаган экан.

Ўт ўчирувчиларнинг орқасидан кетма-кет етиб келган фавқулодда гуруҳ аъзолари дарров ишга киришдилар. Тажрибали изқуварларга жиноятчиларнинг изини топиш учун ҳеч қанча вақт керак бўлмади. Чунки уй ичида қолган оёқ кийимининг излари милиция хонасидаги турар-жой биноси кўп йиллардан буён ташландиқ ҳолатда ётарди. Бу ерда, беш йил бўлибдики, ҳеч ким яшамайди. Бизга маълумки, эгасиз уйлар бунчалик кўп турмайди. Шунинг учун ҳам унинг хоналари кундан-кунга ҳақиқий ахлатхонага айланиб бораётганди. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг деганларидек, кунлар бизда меҳр-оқибат, инсонийликнинг йўқолиб бораётганлигидан эмасмикан?

Агар ёнғинлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг сони йилдан-йилга ўсиб бораётир. 1991 йилнинг ўзида Тошкент вилояти бўйича 3350 та ёнғин рўй берди. Буларнинг натижасида 2 миллион сўмдан эшёд зарар кўрилди. Шундан, умумий миқдорига нисбатан 70 фоизгача зарар етган 1437 та турар-жой бинолари ва хонадонлар фуқароларга тегишлидир.

Хуллас огоҳлантиришларимизга қарамай ҳали ҳам ёнғинлар болаларнинг ўйинқароқлиги, эҳтиётсизлик ва тўғри келган жойда чекиш оқибатида рўй бермоқда. Ўтган йили ана шу эҳтиётсизликлар туфайли 12 киши оламдан кўз юмди, ҳаммаси бўлиб 46 киши вафот этди.

Бундай воқеалар рўй бермаслиги учун ёнғиндан сақланиш қоидаларига доимо риоя қилинг.

В. ЛУКИН,
Тошкент вилоят ижроия қўмитаси Ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи.

АВВАЛ ИҚТИСОД...

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг шаклланиши, тартиб-қоидалари, ўзига хос хусусиятларини ўрганмай туриб, хўжалик юритиш қийин. Шуни назарда тутган ҳолда республика раҳбар кадрлар малакасини ошириш олийгоҳи Янгийўл ноҳиясида икки ҳафталик таълим курсларини ташкил қилди.

Тошкентдаги қатор олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот олийгоҳларининг олимлари ва етук мутахассислари олиб борган машғулотларда ноҳия хўжаликлари, корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари, бош иқтисодчи ва ҳисобчилари қатнашдилар. Тингловчилар бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш асослари, ижара ва ижара муносабатлари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари ҳақида қизиқарли маърузалар тингладилар.

Курс дастуридан кичик корхоналар ташкил этиш, солиқлар турлари ва уларни қўллаш тартиби, чет эллар билан иқтисодий алоқалар, биржа савдоси ҳамда бошқа мавзулардаги маърузалар, амалий машғулотлар ҳам ўрин олган.

Лаълихон ИНОҒОМОВА.

ХОРИЖДА ҲАМ ҚЎЛЛАНИЛЯПТИ

Кейинги йилларда пахта толасини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш йўллари изланмоқда. Бу изланишлар асосида ингичка толали пахтани чувийдиган янги агрегатлар юзага келди.

Шуни қувонч билан айтиб ўтиш жоизки, бу хил такомиллашган машиналар намуналарини эндиликда айрим хорижий мамлакатларда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, «Узбекхлопкомаш» бирлашмасида тайёрланган агрегатлардан бир нечтаси Қоҳирага юборилди.

Корхонада чиқарилаётган пахтани титиб қуритадиган сепараторлардан эса Грециядаги тўқимачилик корхоналарида ҳам кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

С. ОДИЛОВА.

БИР ДАРДКИ...

АФГОНИСТОН урушининг тугатилиши-ю, у ердан совет қўшинларининг олиб чиқиб кетганига ҳам уч йилдан ошди. Лекин ҳали ҳам ўғлининг дийдорига муштоқ бўлиб яшаётган, дунёдан армон билан кўз юмаётган оталар, оналар қисмати не бўлди? Ахир, улар фарзандининг на тирик, на ўлигини билишади. Хайрлашаётиб ўғлини бағрига босган ота фарзанди ҳарбийликка яраб, катта йигит бўлиб қолганидан қувонган эди. Бугун-чи? Бугун унинг ҳоли не кечди? У қайси идорадан нажот изларяпти, кимларнинг қошида бош эгиб, сўнгги илинжларга бардош тилаяпти? Қани ўғли кетаётганда манзилига кузатиб қўйиш масъулиятини олган қўмондонлар? Наҳот ўғлини яна бир бор бағрига боса олмаса, ота?! Она, Онаизор-чи? Ахир, унинг юраги сезиб турибди — ўғли тирик! У қаерлардадир сарсон-саргардон. У, ўсибулғайгач, бировларга милтиқ ўқталсин, деб ўғил ўстирганмиди?!

Шу йил Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилган тўрт қисмдан иборат «Карвон» номли ҳужжатли фильмдан юқоридаги саволларга жавоб топгандайсиз. Фильм ҳақида танқидий фикрлар ҳам билдирилди, жумҳурият матбуотида чиқишлар бўлди. Асосийси, фильм ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Фильм муаллифи Қосимжон Сўпиев асли Асакадан, Ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган. Балки шунинг учун фильм таъсирли ва чуқур маънога эга бўлгандир.

Фильм давомида чет элдан сотиб олинган кинолавҳалар Афғонистонда фожиали ўлдирилган совет аскарлари ҳақида сўзлайди. Мен бир суҳбатимизда муаллифдан нима учун даҳшатли манзаралар берилганини сўрадим.

— **У манзаралар ўз номи билан лавҳа, холос. Биз эса бундан ҳам даҳшатлироқларини бошимиздан кечирганмиз, — дейди Қосимжон ака. — Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни тан олиш вақти келди. Худонинг иродаси билан қирғин-баротлардан соғ-омон қайтдим. Лекин биз жанг қилган ерда қанчадан-қанча сафдошларим мангу қолиб кетди. Гоҳида ўзимга ўзим савол бераман: мен нима учун яшаяпман?**

Энг сўнгги ҳарбий қисм Афғонистондан олиб чиқиб кетилаётганда бош қўмондон генерал Громов: «Бу юрт тупроғида қўшинларимиздан ҳеч ким қолмади» деган экан. Бу гапнинг ёлғонлиги ҳозир ҳаммага аён. Қанчадан-қанча аскарларимиз асирликда қолиб кетишган. Уларни фақат бир савол ўртайди: ким учун, нима учун жанг қилдик?

Бир куни Қосимжон ака менга:

— **Бугун «Ахборот»ни кўринг. Афғонистондан бир асир болани озод қилишди,** — деб қолдилар. Қосимжон аканинг кўзлари севинчдан порлаб турарди. Мен энди «Ахборот»ни кўрмасам ҳам собиқ асир Номоз Оллоёровнинг қиёфасини аниқ тасаввур эта олардим. Гўё Номоз эмас, Қосимжон ака узоқ жудоликдан сўнг она тупроғига қайтаётгандай...

— Қосимжон ака, фильмни қатъий ишонч билан яратдингиз. Лекин фильм экран юзини кўрмаслиги ҳам мумкин эди-ку?

— **Мени сафдошларимнинг руҳи қўллади. Ишимни бошламасдан аввал отаонамнинг қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг ризолигини олган эдим. Қолаверса, савоб иш ерда қолиб кетмайди. Тўғри, қийинчиликлар бўлди, аммо аниқ мақсад сари интилаётган одам ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга қодир.**

Бошинг тошдан бўлсин, деганлари бежиз эмас экан. Инсон яшашга шунчалик мослашиб кетар эканки, ҳатто жисмоний ва руҳий азобларга ҳам бора-бора кўникади. Лекин дардни қанча яширманг, юрагингизнинг туб-тубидан ойлар, балки йиллар ўтиб ўзини ошкор этади. Шундай пайтларда ким биландир дардлашгингиз, паймонангиз тўлгунча йиғлагингиз келади. Агар сизни ҳеч ким эшитмаса, тушунишни истамаса яна ўша дардингизни қучганча, яна қачонлардир юрагингизга қайта жойланган дард исён қилажагини кутиб яшайсиз, яшайверасиз.

— Маълум бўлишича, баъзи асир йигитларимиз Афғонистонда оила қуриб, бутунлай ўша ерларда қолиб яшаётган эканлар...

— **Ҳа, баъзи йигитларимиз қолишган. Ҳатто, рус йигитлари ҳам мусулмон динини қабул қилиб, беш вақт намозни канда қилмай яшамоқда. Ким билади, балки улар бахтлидир. Аммо ота-она, ёру-дўстлар ёди, умуман она тупроқ нафаси, соғинч туйғуси мусофирнинг доимий ҳамроҳи, ҳамдарди, армони бўлиб қолаверади.**

— Балки саволим ноўриндир... Гуноҳ нима?.. Тўғрироғи, сиз ўзингизни сираям гуноҳкор ҳис этганмисиз?

— **Яшаётган инсон борки, ёши ўтган сари гуноҳи ҳам кўпаяверар экан. Гуноҳкор банда, деган гапни шундан келиб чиқиб айтишган бўлишса, ажаб эмас. Менинг гуноҳларим яшаб ўтган йилларимдан ҳам ошиб кетган. Чунки мен ҳам қўлимга қурол олиб, бегуноҳ, ҳимоясиз одамларга ўқталишга мажбур бўлдим. Одам ўлдириш — энг катта гуноҳ! Афғон урушида фақат бизнинг йигитларимиз эмас, бизга қарши жанг қилган «босмачи»ларнинг ҳам кўпи ҳаётдан кўз юмди. Улар ўз юрти, халқи учун жон беришди. Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари, фарзандлари — афғон халқи вақти келиб бизлардан хун талаб қилмаслигига ким кафил бўла олади?! Мудҳиш снёсатнинг қурбони бўлганларнинг руҳи урмайдими?! Кимга керак эди бу уруш?!**

Бу саволлар нафақат менинг, балки Афғондан омон қайтган жамики йигитларимизнинг юрагида дард

Афғонистон уруши бошланганда мен учинчи-тўртинчи синфларда ўқирдим. Ўшанда уруш нафаси бизнинг уйга ҳам кириб келган эди. Дадам ҳарбий учувчи бўлгани учун дастлаб узлуксиз, сўнгра узлукли равишда Афғонистонда хизмат бурчини ўтадилар.

Ҳали-ҳануз аниқ эслайман: бутун шаҳар маст уйқуда ётганда эшик қўнғироғи ваҳимали жиринглаб қолса сира ажабланмас эдик. Чунки жанговар тревога тез-тез бўлиб турар эди. Дадам бир зумда отланиб чиқиб, йўлакдаги чироқни ёқардилар. Сўнг хона эшиги аста очилиб, дадам кириб келардилар. Аллақачон уйғониб кетган бўлсам-да, кўзимни маҳкам юмганча ётавераман. Дадам аввал синглимнинг, кейин менинг пешонамиздан ўпиб, яна шошганча йўлакка отилардилар. Зинадан оғир этикларнинг «дупур-дупур»и эшитила бошлайди. Кираверишдаги эшик қарсиллаб ёпилгач, синглим иккимиз сапчиб ўрнимиздан туриб, дарпардани тортқилаймиз. Совуқ бўлишига қарамай деразани катта очиб, тўртинчи қаватдан пастга мўралаймиз. Қаршимиздаги қаватли уйларда лип этган чироқ кўринмайди. Фақат бизнинг уй — ҳарбий уйида нотинчлик.

Моторларнинг гувиллаши йироқлашиб, кўча яна жимжит бўлиб қолди. Юқори, пастки ва ён қаватлардаги хоналарда ёнган чироқлар бир-бир ўчиб, деразалар яна зичлаб ёпила бошлайди.

Баъзида дадамнинг келиб-кетганларини сезмай қолардим. Фақат эрталаб дарс столимда бир неча қаламтарошларни кўргачгина дадамнинг уйга келиб-кетганларини билардим. Демак, бундан бир неча кун аввал пичоқ билан қалам тарошлаганим ва бармоғимни кесиб олганимни дадам ойим орқали эшитгач, вақт топиб, мен учун қалам тарошлагич сотиб олганлар. Мен — дадамнинг «қулоқсиз» қизи эса, қаламтарошни китобжавонга яхшилаб беркитиб қўйиб, яна аввалгидай пичоқ билан қалам тарошлайвераман. Чунки дадамнинг совғасини ишлатсам синдириб ёки йўқотиб қўйишим мумкин эди-да.

Нима учун буларни ёзаётганимни билмайману, лекин ўша пайтлар дадамни кўрмасам-да, ҳорғин қиёфалари ва қайғули ниғоҳларини аниқ ҳис қилардим. Уйимизга тез-тез келиб турадиган дадамнинг қувноқ хизматдошлари — бутун бир экипаж Афғонистонда ҳалок бўлганига ишонгим келмайди. Чунки уларнинг ҳам фарзандлари бор эди...

Ҳар йили хотира куни дадам хизматдошларининг қабрларини зиёрат қиладилар. Балки, дадамни ҳам ёлғиз қолган дамлари жавобсиз саволлар қийнаса керак: ким учун, нима учун???

Қосимжон ака, сиз яратган фильм бедарак фарзанди доғида яшаётган оталар, оналар учун нажот шуъласи, юрагини олам-олам дард ва алам емираётган собиқ афғончилар учун айни ҲАҚИҚАТ бўлиб қолишини жуд-жуда истайман. Зеро:

У бир дардки...
Юракларда тош қотди.
Не-не юлдузлар сўнди,
Мангу қуёшлар ботди.

Муҳайё МУХТОРОВА,
ТошДД талабаси.

МУАММОШУНОС

Ҳажвия

БИЗ Мирали акани домулла деб атаймиз. Домулла деганимизча бор ўзиям. Бизнинг камчиликларимизни айтиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Айниқса, адабиётни яхши тушунади. Менимча, у жуда кўп ўқийди. Кўп ўқиган кўп билади-да, ахир! Баъзан тушунмаган нарсаларимизнинг маъзини чақишда у кишидан маслаҳат олиб турамиз.

Яқинда бир шоирнинг шеърини ўқиб, очиғи, маъносига унчалик тушунмадим. Ёрдам сўраб домуллага бордим. Шеърни ёд олгандим. Ўқиб бердим. У киши эса тушунтиришга тушди:

— Беайб парвардигор, деганлар. Ҳаммамизнинг ҳам айбимиз, хатомиз бор, укам. Ўқиган шеърингизда шоир хато қилибди. Мен ўзим бир нақтлар қарқуноқ боққанман. Яхши биламан, у ўз тухумини емайди. Қайси қуш экан ўз тухумини ейдиган? Ҳм... Ҳалиги... Бир қуш бор эди, савил қолгур эсдан чиқди. Шунақа, укам, қарқуноқ ўз тухумини емайди. Бунинг устига шеърдаги гаплар — бор гаплар. Ҳозир одамларга тўғри гап ёқадими? Шоирга ҳам ҳайронман, нима қилади унақа деб ёзиб?

Укам, сиз йўқ гапли шеърлардан кўпроқ ўқинг. Шунда фойда қиласиз. Бу туришда узоққа бормайсиз. Менинг бир одатим бор: кишининг камчилигини шартта юзига айтаман, хафа бўлмайсиз. Шу кунларда шеър ўқиб, қорнимни тўйғазаман десангиз, очингизидан ўласиз. Бу иқтисодга калланг из етмаслиги ёмон экан-да.

Шундан сўнг, бошқа гапингиз бўлмаса, сизга жавоб дегандек домулла менга қаради.

— Вақтингиз бўлса, тоза ҳавода бир айланиб келсак, — деб таклиф қилдим.

— Айланишдан кўра, укам, бир варақ ўқиган фойда. Ўқишим керак бўлган китоблар анчагина, — деб домулла иштўли устида юзинчи бети очиқ турган «Сиёсий иқтисод» дарслигига ишора қилди.

Хайрлашиб чиқиб кетдим.

Бир куни шунчаки суҳбатлашиш учун домулланинг хонасига кирдим.

— Э, келинг, укам, келинг, — деб қарши олди домулла.

— Келдик, ака.

— Яхши қилибсиз, укам, яхши. Ўзим ҳам кимдир келар, деб кўзим учиб турувди, — домулла гапга тушиб кетди. — Мановиларни ўқиб, бошим қотиб кетди,— у даста-даста китобларга ишора қилди. — Бирортасида ҳам мени қизиқтирган муаммоларга жавоб йўқ. Муаммолар эса ачиб ётибди. Эшитинг.

Ҳар куни ишга кеч қоламан. Сабаби, одам кўп, оёқ-улов кам. Бошлиғимиз: «Маданиятли киши ишга вақтида келиши керак», дейди. Мен: «Маданиятли кишида оёқ-улов бўлиши керак», дейман. Оёқ-улов — мошин. Бошлиғимиз навбатда биринчи ўринда турганимга ишора қилиб: «Ўрусия мошин бермаётган бўлса, мен сизга қайси гўрдан топиб берай?» деб тепа сочи тикка бўлади.

Шу муаммога бошлиғимизнинг боши етмаяпти, китобларда эса жавоб йўқ. Калламга бир фикр келди. Бизда нима кўп: эшак кўп, арава кўп. Арава бўлганда ҳам қуруқ арава. Шундан оёқ-улов сифатида фойдаланиш керак, Аравага эшакни қўшиб, устига кўрпача ташлаб, бир аравакашга топширилса, бас! Уч-тўрт киши чордона қуриб ўтириб олиб, манзилга тезда етиб олишади. Агар бошқа жойлардан ҳам эшаклар топиб келишнинг иложи бўлса, зўр бўларди-да. Аравачининг ҳам йўлини қилиш керак. Ўзимиздаги ишсизларга ҳам юмуш топиларди — улар аравакаш бўлишарди.

Биласизми, укам, бизда ер қимирлаш одат тусига кириб қолди. Ер ўзи нимага қимирлаяпти? Билмайсизми? Бу ҳақда китобларда ҳам аниқ ёзилмаган экан. Аммо мен бу гапнинг тагига етдим. Газлида газ бор деб, Мурунтовда нималарнидир қидириб кимлардир еримизнинг тагини кавлашмоқда. Ҳадеб кавлашавергач, қимирлайди-да! Уларга еримизнинг тагини кавланманглар, дейдиган бирорта мард йўқ.

Булар иқтисодга оид гаплар. Энди икки оғиз ижтимоий муаммолар тўғрисида.

Илгарилари эр-хотин ажрашса, олдин уришарди, жанжаллашарди. Энди бўлса фарзандларини «Болалар уйи»га бериб, бири-бири билан уришмай, аҳил-иноқ ажралишиб кетишяпти. Бундай ажралишнинг қизиғи йўқ. Биттаси ана шу муаммо атрофида айланиб, нималардир ёзибди. Бироқ, тагига етолмабди...

Муаммолар тўлиб ётибди, китобларда эса жавоб йўқ.

Шу пайт домулланинг иштўли устидаги «Сиёсий иқтисод» дарслигига кўзим тушиб қолди. Ҳамон унинг юзинчи бети очиқ турарди...

Абдураззоқ ОБРУЙ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЗИЁ» муҳандис-техник корпорацияси ўзбек ва рус тилларида математика, физика ва кимё фанлари бўйича олий ўқув юртларига кирувчилар учун кафолатли пуллик курсларни

ТАШКИЛ ЭТАДИ

Машғулотлар олий ўқув юртларидаги кўп йиллик кириш имтиҳонлари тажрибасида синовдан ўтган дастур бўйича кичик гуруҳларда (6—8 кишилик) ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 15 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй. Меъморчилик—қурилиш билимгоҳининг 2-биноси, 220-хона (Санъат саройи қаршисидан кирилади).

Маълумотлар учун телефон: 41-14-01.

• *ЭЪЛОН*

Қибрай салқин ичимликлар комбинати томонидан Селишев номига берилган 1916, 1917, 1918, 1919 рақамли маҳсулот-транспорт юк хати бланкалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325746, 337916; масъул котиб — 334606, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14 — Индекс: 64672. — Босишга топшириш вақти — 20.30. — Босишга топширилди — 18.10. — 30579 нусха босилди.